



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 3 (5)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 3-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

3

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B- 29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

Президент Республики Узбекистан
Шавкат Мирзиёев

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «KLASSIC PRINT» nashriyoti

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 3-son 2025 yil

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’sischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

Bosh muharrir o‘rinbosari

Mas’ul kotib

i.f.d., prof. A.Qodirov

DSc, prof. X.X.Rejapov

DSc. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.G.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, prof. Q.K.Mambetjanov, prof. I.Y.Umarov, prof. X.X.Rejapov, i.f.d. B.Tagayev, dots. A.T.Umarov, i.f.d. B.B.Baxtiyorov, i.f.d. K.A.Muxitdinova, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots. B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. A.Ambartsumyan, dots. R.Abdullayeva, dots. A.Boboyev, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, dots. D.M.Yakubova, dots. N. Umarova

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Журнал сайти: **<https://journal.econuu.uz>**

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnal OAK ro‘yxatiga 2023 yil 1 iyuldan kiritilgan (OAK rayosat qarori 04.07.2023 yil № 340/5).

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” №3. 2025

MUNDARIJA

Шоҳаъзамий Ш.Ш. Давлат молияси концепцияси ва бюджетининг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги роли.....	7
Толаметова З.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорининг ривожланиши ва уни тартибга солиш.....	16
Мирзахаликов Б.Б. Камбағалликни қисқартириш бўйича давлат дастурлари молиявий таъминоти.....	25
Аллаева Г.Ж., Махмудова Г.Ф. Роль зеленой энергетики в устойчивом развитии экономики Республики Узбекистан.....	29
Daniyarova F.B., Turdibayeva D.R. Resurslardan samarali foydalanish va yashil iqtisodiyot konsepsiyasi.....	34
Ismoilova S.Q. Ayollar tadbirkorligini qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha xalqaro tajribalar.....	39
Mamadjanov Sh.J. Sug‘urta faoliyatini huquqiy tartbiga solishni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	42
Абдуллоев А.Ж. Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш даражасини баҳолашнинг методологик асолари.....	45
Муртазаев А.З. Финансовое обеспечение инвестиции на модернизацию предприятий (опыт Самаркандской области).....	51
Kucharov J.O., Fayzullaeva T.R. Qishloq xo‘jaligida mahsulot yetishtirishning hozirgi holati.....	56
Abdullayeva H.N. Korxonalar faoliyatida innovatsiyalardan foydalanishning o‘ziga xos xususiyatlari va innovatsion marketing amaliyotiga o‘tishdagi mavjud muammolar.....	60
Jo‘rayev T.I. Tadbirkorlik sub‘ektlarida biznes jarayonlarni raqamlashtirishda axborot tizimlarining roli va strategik ahamiyati.....	66
Ustadjalilov D.R. The role of facilitators in cluster policy: Towards a unified framework for monitoring and evaluation.....	70
Karimov M.A. Analysis of the organizational and economic status of higher education institutions and comprehensive indicators of rating indicators.....	76
Гайбуллаев Ф. Олий таълим тизимини рақамлаштириш коррупциянинг олдини олишнинг муҳим омили.....	80
Giyazova N.B., Khabibov Sh.A. Data security in the digital economic environment.....	88
Umurzakova Z.S. Korxonalarda mehnatdan foydalanish ko‘rsatkichlari tahlilining ko‘rinishlari va bosqichlari.....	91
Шарофиддинова Г.И. Ўзбекистонда аёллар хусусий тadbirkorligини янада ривожлантириш йўналишлари.....	95
Teshayev M.D. Qishloq xo‘jaligi raqobatbardoshligini oshirishning ilg‘or xorij tajribasi.....	99
Zufarova G., Muxtorova B. O‘zbekistonda raqamli transformatsiya jarayonida AKT sohasidagi zamonaviy ish bilan bandlikni oshirishda kadrlar tayyorlashning ahamiyati.....	103
Isakova N. «yashil ishlab chiqarish texnologiyalari» tushunchasi mohiyati va tamoyillari.....	108
Райханов У.А. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш йўллари.....	112
Ибрагимова К.С., Саидова Г.А. Аспекты определения эффективности инноваций в строительстве.....	117
Sauxanov J.K., Amaniyazova R.B. Qishloq aholisining mehnat salohiyatidan foydalanishning nazariy asoslari va o‘ziga xos xususiyatlari.....	120
Madaminov A.M. O‘zbekistonda turizmni rivojlantirishda bank tizimining zaruriyati.....	126
Adxamov M. Korxonalarda joriy aktivlar tahlilini takomillashtirishning nazariy jihatlar.....	130
To‘raboyeva K.O‘. Sanoat tarmog‘ida investitsion faoliyat: Tashkiliy jihatlar va islohotlar.....	133
Nazarova A.N. Sanoat korxonalarida “Yashil” ta’minot zanjirining zamonaviy tendensiyalari.....	138
Kariyeva L.S., Abdumutalova L.M. Tashkilotlarda mehnat resurslari samaradorligini oshirish yo‘llari.....	143
Daniyarova F.B., Raxmonqulova D.I. O‘zbekistonda ishsizlik darajasini pasaytirish yo‘llari.....	147

yondashuvlarning mavjudligi savdo faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikni tizimlashtirish zaruratini tug‘dirdi[5].

Yuqoridagilarni umumlashtirgan holda respublikamizda ham xorijiy davlatlar tajribasidan kelib chiqib, sug‘urta tushunchasi, sug‘urta puli, sug‘urta siri, sug‘urta tarmoqlari va turlari, sug‘urta kompaniyalarini tashkil etish, qayta sug‘urtalash, sug‘urta shartnomalari va ularni amal qilish tartiblari kabi tashkiliy-huquqiy masalalarni o‘z ichiga olgan “Sug‘urta kodeksi”ni ishlab chiqish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Uning afzalligi sug‘urta masalariga oid barcha fuqarolik-huquqiy munosabatlar bitta huquqiy xujjatda mujassamlashib, albatta sohani huquqiy jihatdan tartibga solishda hamda rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. T.:O‘zbekiston, Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son. <https://lex.uz/docs/-6445145>
2. O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 23 noyabrdagi “Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida”gi O‘RQ - 730-sonli Qonuni. <https://lex.uz/docs/-5739117>
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 14 dekabrdagi “Elektron sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish tartibini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 780-sonli Qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 23 oktabrdagi “Sug‘urta bozorini raqamlashtirish va hayot sug‘urtasi sohasini rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-5265-sonli qarori.
5. Xodjayev Yu.Ch., Doschanova N.P. Sug‘urta ishi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent:“Iqtisodiyot”, 2008. – B. 132.
6. Eshov M.P. O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishi: omillar, natijalar va istiqbollari. Monografiya. - Toshkent. “Ma’naviyat”, 2017. – 80 b.

УДК: 338.23

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ДАРАЖАСИНИ
БАҲОЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОЛАРИ**

**МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ОЦЕНКИ СТЕПЕНИ ДИВЕРСИФИКАЦИИ
СОСТАВА НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ**

**METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF ASSESSING THE DEGREE OF
DIVERSIFICATION OF THE NATIONAL ECONOMY COMPOSITION**

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич
Бухоро давлат унверситети Иқтисодиёт
кафедраси муdiri и.ф.д., профессор

Аннотация

Мақолада миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилишнинг турли йўналишлари, унинг амалга ошириш дастаклари ва бошқа хусусиятларини иноватга олган ҳолда, ушбу жараёнларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган турли илмий изланишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, тармоқ, диверсификация қилишнинг, ҳудудий (минтақавий), таркибий, корхона, ишлаб чиқариш, даража, баҳолаш, макроиқтисодий самара, таркибий силжишлаш, минтақавий силжиш.

В статье проводятся различные научные исследования направлений диверсификации отраслей национальной экономики с учетом рычагов ее реализации и других особенностей, направленные на оценку эффективности этих процессов.

Ключевые слова: экономика, отрасль, диверсификация, территориальная (региональная), структурная, предприятие, производство, уровень, оценка, макроэкономический эффект, структурный сдвиг, региональный сдвиг.

The article conducts various scientific studies of the directions of diversification of sectors of the national economy, taking into account the levers of its implementation and other features, aimed at assessing the effectiveness of these processes.

Key words: economy, industry, diversification, territorial (regional), structural, enterprise, production, level, assessment, macroeconomic effect, structural shift, regional shift.

Замонавий иқтисодий муносабатлар тизимида миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Амалга оширилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунга қадар миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш даражасини баҳолашнинг ягона умумқабул қилинган услубиёти мавжуд эмас. Диверсификация жараёнларини баҳолашнинг хориж амалиёти таҳлиliga кўра, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилишнинг ҳудудий (минтақавий), таркибий ва тармоқ хусусиятларига хос бўлган жиҳатларини баҳолашда аксарият илмий изланишларда аҳолининг бандлиги кўрсаткичи ва унинг ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратилади. Ушбу ёндашув иқтисодиёт тармоқларида содир бўлаётган тенденцияларни аниқ баҳолаш имконини бера олиши билан характерланади.[1]

Аксарият Европа Иттифоқи мамлакатлари олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотларда миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш даражасини баҳолашда ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) усулидан ҳам фойдаланилган.[1] Ушбу усулни амалиётда қўллаш жараёнида маълумотларни жамлаш, аксарият статистик кўрсаткичлардаги берилаётган нотўғри маълумотлар кутилаётган натижадаги ҳатоликнинг юқори даражасини таъминлаш учун хизмат қилади. Шу сабабли мамлакатимизда расмий тарафдан эълон қилинадиган маҳаллий статистик материаллар ва халқаро ташкилотлар томонидан нашр этиладиган тўпламларда берилган маълумотлар ўртасида фарқли ҳолатлар кўп учрашини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш даражасини мазкур усул орқали баҳолашда олинган натижалар етарли даражада ишончли бўла олмайди.

Юқоридаги вазиятларни инобатга олган ҳолда, иқтисодий адабиётда мамлакатлар миллий иқтисодиётини диверсификациялаш даражасини баҳолаш бўйича турли ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда, маҳаллий амалиётда қўллаш учун мос келадиган усулни аниқлаш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилишнинг турли йўналишлари, унинг амалга ошириш дастаклари ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ушбу жараёнларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган турли илмий изланишлар амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, корхона (фирма) миқёсида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш даражасини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар О.А. Гребенькованинг [2] илмий тадқиқотларида ўз аксини топади. Олима ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш даражасини баҳолашда қуйидаги тенгламадан фойдаланади:

$$D = [1 - \sum(X_i)]^2 * 100\% \quad (1)$$

Бу ерда:

D – корхонада ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш даражаси кўрсаткичи (коэффициенти);

X_i – умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан тушган тушумда диверсификация жараёни натижасида ишлаб чиқарилаётган i ҳажмдаги маҳсулотнинг улуши, фоизда.

Ушбу ёндашув асосида диверсификация қилиш даражасини баҳолашда қуйидаги босқичларда амалга оширилади: [2]

1) корхона томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг таркибини аниқлаш, ҳар бир маҳсулот турининг умумий сотилган маҳсулот ҳажмидаги улушини аниқлаш;

2) юқорида келтирилган (1) формула орқали диверсификация даражасини баҳолаш;

3) олинган натижаларни диверсификация даражасининг қиймати бўйича интервалларини белгилаш. Ушбу ҳисоб-китоблар асосида ҳисобланган диверсификация даражаси натижаси 0 дан 1 гача коэффицент оралиғида бўлади. Диверсификация даражаси интервалларини (қуйи, ўрта, юқори) белгилашда олинган натижа қанчалик 1 коэффицентга яқин бўлса, демак диверсификация даражаси шунчалик кучли деган хулоса олиш мумкин бўлади, ёки аксинча.

Яна бир иқтисодчи олим В.А. Солдаткин [3] томонидан амал оширилган тадқиқотларда корхона миқёсида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш даражасини баҳолашда юқорида келтирилган ёндашувдан фарқли бўлган, қуйидаги усулдан фойдаланилади:

$$D = 1 - \frac{100}{\sum_{i=1}^n Y_{T*(2i-1)}} \quad (2)$$


Бу ерда:

Y_T – корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишларининг фирма умумий фаолиятидаги улуши, фоизда;

i – иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидаги улуши бўйича эгаллаган ўрнининг тартиб рақами;

n – корхонадига жами ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий фаолият турлари.

Фикримизча, юқорида келтирилган корхона миқёсида ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификациялаш даражасини баҳолаш ҳар иккала усулида ҳам корхона фаолиятининг ихтисослашувига асосланган ҳолда амалга оширилган бўлиб, бу орқали фирманинг тармоқдаги ўзига хос хусусиятлари ва тутган ўрнига баҳо бериш мумкин бўлади. Агарда юқоридаги формулалар орқали амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари 0 га тенг бўлса, у ҳолда, корхонада ишлаб чиқариш бир йўналиш бўйича жамланган ва юқори даражадаги ихтисослашувга эга деган хулоса олиш мумкин бўлади. Ёки аксинчи, олинган натижалар қанчалик 1 коэффицентга яқин бўлса, у ҳолда, корхона бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бораётганлиги ва диверсификация даражасининг қай даражада эканлигига баҳо бериш мумкин бўлади.



1-расм. Миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш жараёнини комплекс баҳолаш услубиёти[4]

Иқтисодий адабиётда мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқларини диверсификациялаш даражасини баҳолашда ҳудудий ёндашувлардан ҳам кенг фойдаланилади. Бу орқали мамлакат, жумладан унинг ҳудудлари кесимида ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш, уларнинг ихтисослашувига ва ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификация қилиш бўйича

амалга оширилаётган давлат дастурларининг самарадорлигига комплекс баҳо бериш имконияти вужудга келади (1-расмга қаранг).

Жаҳон амалиётида қўлланиладиган усуллардан бири бу таркибий силжишлар (shift-share analysis) усули ҳисобланади. Ушбу усулда аҳоли даромад манбалари ёки бандлик даражасининг ҳудудлар кесимидаги тармоқ таркибини таҳлил қилиш орқали ҳудудлар (минтақалар) кесимида ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификациялаш даражасига баҳо берилади. Бунда ўрганилаётган минтақанинг (ҳудуднинг) макро даражадаги қуйидаги ҳолатларига баҳо бериш мумкин бўлади: [4]

- миллий компонент (макроиқтисодий самара);
- тармоқ таркиби компоненти (таркибий силжишлар);
- минтақавий компонент (минтақавий силжишлар).

Миллий компонент бу мамлакат ҳудудларида иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш даражаларининг умумий ҳолда жамланмаси бўлиб, миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш жараёнига комплекс баҳо бериш имконини беради. Миллий компонент NY_{if}^t ҳар бир i тармоқ учун t йилдаги мезодаражадаги E_f ўсиш кўрсаткичига пропорционал тарзда макро даражадаги E_F кўрсаткичлари нисбати орқали ҳисобланади ва қуйидаги формулада ўз аксини топади: [4]

$$NY_{if}^t = E_{if}^{t-1} \frac{E_F^t}{E_F^{t-1}} \quad (3)$$

Тармоқ таркиби компоненти OY_{if}^t ўрганилаётган тармоқларда амалга оширилган диверсификация жараёнларининг мамлакат миқёсида амалга оширилаётган диверсификация даражаси билан қиёсий таққослаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, тармоқ компоненти таҳлилини амалга ошириш орқали мазкур тармоқдаги таркибий силжишларни баҳолаш ва ушбу ўзгаришларга макроиқтисодий даражада баҳо бериш учун замин яратиб, қуйидаги тенглама асосида ҳисобланади: [4]

$$OY_{if}^t = \frac{E_{if}^t}{E_{if}^{t-1}} - \frac{E_F^t}{E_F^{t-1}} \quad (4)$$

Минтақавий компонент RY_{if}^t орқали ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилган иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш жараёнидан қўзланган натижа билан амалдаги эришилган самарадорликни қиёсий таққослаш имконини беради. Шу билан бирга, минтақада амалга оширилаётган диверсификация дастурларининг мамлакат иқтисодиётидаги тугган ўрнига қиёсий баҳо бериш учун замин яратиб, минтақавий сиожишларни аниқлашга кўмак беради. Минтақавий компонент қуйидаги формула асосида ҳисобланади: [4]

$$RY_{if}^t = E_{if}^{t-1} \left(\frac{E_{if}^t}{E_{if}^{t-1}} - \frac{E_F^t}{E_F^{t-1}} \right) \quad (5)$$

Юқорида келтирилган тенгламалар асосида ҳисобланган натижаларни қуйида келтирилган комбинация асосида қўллаш орқали диверсификация натижасида эришилган умумий иқтисодий ўсишни баҳолаш мумкин бўлади:

$$E_{if}^t - E_{if}^{t-1} = NY_{if}^t + OY_{if}^t + RT_{if}^t \quad (6)$$

Фикримизча, юқорида келтириб ўтилган таркибий силжишлар (shift-share analysis) усулини амалиётда қўллаш орқали миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг тармоқ, ҳудудий ва мамлакат миқёсида таҳлил қилиш имконини беради.

А.А. Кофанов[1] ва Т.И. Дуженколарнинг[5] илмий изланишларида мамлакат миқёсида диверсификациялаш даражасини баҳолашда минтақалар иқтисодиётини таркибий коэффициентидан фойдаланган ҳолда, тармоқларда қўшилган қийматнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши орқали аниқлаш таклиф этилган. Улар ушбу ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги формуладан фойдаланишган:

$$CK = \frac{dr}{drf} \quad (7)$$

А.А. Кофанов ва Т.И. Дуженколар мамлакат иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ёки ихтисослашуви даражасини аниқлаш жараёнида дисперсион таҳлил ёрдамида мамлакат ҳудудларининг тармоқ таркиби коэффициентни баҳолашни таклиф этишган. Бу

орқали мамлакат иқтисодиётининг ихтисослашуви ёки саноат тармоқларини диверсификация қилиш даражасига қуйидагича баҳо беришган: агарда олинган таркибий коэффициентнинг дисперсия кўрсаткич қанчалик паст бўлса, унда диверсификация жараёни юқори даражада бўлганлигидан, аксинча қанчалик юқори бўлгани сари иқтисодиёт тармоқларидаги ихтисослашувнинг юқори даражаси кузатилганлигидан далолат беради деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Иқтисодий жараёнларга комплекс баҳо бериш жараёнида олинаётган натижаларнинг ишончли бўлишини таъминлаш мақсадида, аксарият олимлар томонидан миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади. Бугунги кунда миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялашнинг миқдорий баҳолаш бўйича аниқ бир услуб тан олинмаган бўлиб, кўплаб тадқиқотларда миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялашнинг “Энтропия” ва “Герфиндал” коэффициентларидан кенг фойдаланилганлигини кузатишимиз мумкин. [6]

Энтропия коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади: [6]

$$S = \sum_{i=1}^m Y_i \ln \frac{1}{Y_i} \quad (8)$$

Бу ерда:

m – мамлакат иқтисодиётидаги жами тармоқлар сони;

Y_i – ўрганилаётган тармоқнинг жами иқтисодиёт тармоқларидаги улуши.

Энтропия коэффициенти орқали ҳисобланган кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиёти тармоқларини тенг пропорционал тақсимотини амалга ошириш орқали тармоқларни ўзаро қиёсий таққослаш имконини беради. Ҳисоб китоб натижалари қанчалик юқори бўлса, у ҳолда тармоқлардаги диверсификациялашув даражаси юқори ҳисобланади. Аксинча, олинган натижа қанчалик паст бўлса, унда иқтисодиёт тармоқларининг ихтисослашуви юқори эканлигидан далолат беради. Агарда олинган натижа 0 га тенг бўлса, у ҳолда ихтисослашувнинг максимал даражада таъминланганлигидан далолат беради.

Герфиндал коэффициенти фирма фаолиятини ташкил этиш назариясининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, унда бозордаги товарларнинг концентрациялашуви даражаси ёки бозор концентрацияси индексини амалиётда қўллаш орқали миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ҳолатига баҳо берилади. Ушбу усул тадқиқотчилар томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларда энтропия усулига нисбатан кўпроқ оммалашган ҳисобланади. Герфиндал коэффициенти мамлакат иқтисодиётида қайси тармоқ тузилмаси ёки минтақавий иқтисодиётнинг устунлигини баҳолаш учун хизмат қилади ва ҳар бир тармоқ ёки минтақанинг мамлакат ички бозоридаги улушининг квадратик тенгламаси асосида ҳисобланади: [6]

$$H = \sum_{i=1}^m Y_i^2 \quad (9)$$

Герфиндал коэффициенти 0 дан 1 гача бўлган ораликда баҳоланади. Ҳисобланган бозор концентрацияси кўрсаткичи қанчалик паст бўлса, у ҳолда мамлакат иқтисодиётида диверсификациялашув даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Аксинча, олинган натижа қанчалик юқори бўлса, у ҳолда мамлакат иқтисодиётида тегишли тармоқдаги чуқур ихтисослашувдан далолат беради.

Таҳлиллар кўрсатишича, “Энтропия” ва “Герфиндал” коэффициентлари орқали мамлакат иқтисодиёти таркибининг диверсификациялашуви даражасини ҳисоблаш бошқа усулларга нисбатан соддалиги билан ажралиб туради. Аммо олинган натижалар миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш жараёнларини комплекс баҳолаш имконини бермайди.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти тармоқларини диверсификациялаш даражасини баҳолаш тадқиқотчилар томонидан корхоналар, тармоқлар, ҳудудлар кесимида диверсификациялашув даражаларини баҳолаш орқали умумий хулосаларни бирлаштириш орқали амалга оширилади. Фикримизча, миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш жараёниларига баҳо беришда мамлакатнинг, жумладан, иқтисодиёт тармоқлари, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти,

уларнинг узоқ муддатли истикболдаги ривожланиш стратегиялари ва имкониятларини ҳам инобатга олиш зарур. Бундай ҳисоб-китобларни амалга ошириш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатнинг иқтисодиётининг инсон омили, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларини баҳолаш имконини берувчи ягона кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;
- корреляцион-регрессион таҳлилларни амалга ошириш орқали диверсификация жараёнларига кучли таъсир кўрсатувчи кўрсаткичларни аниқлаш;
- мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқ таркиби ва унинг тузилиши хусусиятларини қиёсий баҳолаш орқали диверсификациялаш жараёнларини амалга ошириш йўналишларини аниқлаш;
- режалаштирилган миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш йўналишларини эксперт баҳолаш услуги орқали таҳлил қилиш ва уларнинг муҳимлик даражаси бўйича кетма-кетликда амалга оширилишини таъминлаш;
- мамлакатнинг миллий иқтисодиёти тармоқларини диверсификациялаш йўналишларини амалга оширилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида, миллий ижтимоий-иқтисодий хусусиятларни инобатга олган ҳолда матрицавий моделни ишлаб чиқиш ва эришилган натижалар устидан мониторингни жорий этиш;
- мамлакатда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлари кесимида диверсификациялашув жараёнларининг юқори, ўрта ва қуйи даражалари бўйича гуруҳлашни амалга ошириш орқали ортда қолаётган тармоқ ва ҳудудларга юқори бўғинлар ҳисобидан занжирли тузилиш асосида молиявий ёрдам кўрсатиш ҳолатини баҳолаш.

Фикримизча, юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларини диверсификациялашув даражасини баҳолаш орқали эришилган натижалар, фойдаланилмаётган имкониятлар борасида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имконияти вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кофанов А.А. Диверсификация региональной экономики как доминирующая стратегия структурного развития в условиях глобализации экономических отношений: автореф. дис. ... д-ра экон. наук :08.00.05 / А.А. Кофанов. – Краснодар, 2011. – 33 с
2. Гребенькова О.А. Диверсификация в агропромышленных формированиях: автореф. дис. ...канд. экон. наук: 08.00.05 / О.А. Гребенькова. – Москва, 2007. – 24 с.
3. Солдаткин В.А. Развитие диверсификационной деятельности в аграрной сфере экономики: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / В.А. Солдаткин. – Санкт-Петербург, 2009. – 189 с.; Сальников В. Диверсификация и экспортная экспансия промышленных компаний как факторэкономического роста в долгосрочной перспективе / В. Сальников // ЦМАКП. – 2008 [Электронный ресурс]. –Режим доступа: <http://www.forecast.ru/ARCHIVE/Presentations/EcoSchool042008/vs042008.pps> (дата обращения: 09.01.2018)
4. Михеева Н.Н. Структурные факторы региональной динамики: измерение и оценка / Н.Н. Михеева// Пространственная экономика. – 2013. – № 1. – С. 11–32.
5. Дуженко Т.И. Диверсификация экономики региона на основе развития социальной инфраструктуры [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://econom.nsc.ru/ieie/news/zashiti/personalii/2015/dugenko/dissert.pdf> (дата обращения: 09.01.2018)
6. Kranenburg H. L. van. Diversification Strategy, Diversity and Performance among Publishing Companies / H. L. van Kranenburg. – 6th MediaEconomics Conference[Текст]. – HEC Montreal, Canada. – 2004. – May 12–15